

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲУКМ

2024 йил апрель ойининг 18 куни, жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,
раислик қилувчи судья, Э.Пирматов,
судья ёрдамчиси А.Тулановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Ш.Адашев, судланувчи Т.Н ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ж.Рузихоновнинг иштирокида, Т.Нга оид 1-1701-2405/184-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Т.Н,



вақтинча яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов далолатномаси нусхасини 18.03.2024 йилда олган.

Дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Т.Н 2024 йил 20 январь куни Андижон шаҳар Нодирабегим МФЙ 2-кичик даҳаси 17-уй 1-хонадонни ижарага олиб, Г.Ш ва Ф.Хларини фохишалик билан шуғулланиш йўли билан пул топишликни таклиф этган холда чақиртириб, уйда улар билан бирга фохишалик билан шуғулланиб, ҳамда уларни ўзга йигитларга моддий манфатдорлик эвазига кўшиб бериб, кўшмачилик билан шуғулланиб келган холда, 2024 йил 7 февраль куни соат 19:00 лар чамасида 800.000 сўм пул эвазига, уйда фохишалик билан шуғулланувчи Г.Ш ва Ф.Хларини, холис миқдор кичик тезкор вакил К.Х ва ХХХ ларга кўшиб бериб, уларни жинсий алоқа қилишлари учун уйда шароит яратиб бериб, уйда ғараз ва бошқа пастнияларда кўшмачилик қилиб келаётганида Андижон шаҳар ИИОФМБ ходимлари томонидан ушланган, сўнгра ундан 800.000 сўм пулар холисларни иштирокида текшириб кўришлик учун ҳужжатлаштириб олинган.

Судланувчи Т.Н айбига тўлиқ иқроп бўлиб, судга қуйидагиларни, 2024 йил 7 февраль куни яшаш хонадонидан уй ишлари билан шуғулланиб юрганида соат тахминан 14:34 ларда унга нотаниш бўлган рақамдан телефон бўлиб опа қизларингиз борми деб сўрагани, мен бор дедим, бир соатига хар бир қиз учун 800.000 минг сўм жинсий алоқа қилиш учун деб



айтгани, телефон қилган бола шериги борлигини айтгани, сўнг у манзилини бергани, соат тахминан 19:30 ларда улар келишгани ва уйни ичига киришганда улардан 800.000 сўм пулларни олгани ва улар қизлар билан жинсий алоқа қилиш учун кириб кетишгани, шу вақтда ИИБ ходимлари келиб қолишгани, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, оилавий ва моддий шароити оғирлиги учун шу ишни қилганлигини кўрсатиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Тарафларнинг розилиги билан суд мажлисига келмаган гувоҳлар Г.Ш, Ф.Х ва К.Хнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари ўқиб эшиттирилди.

Суд, суд мажлисида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб ҳамда жиноят иши материалларини атрофлича ўрганиб чиқиб ва таҳлил қилиб, гарчанд судланувчи Т.Н айбига тўлиқ иқрор бўлиб, иқрорий кўрсатувлар берган бўлсада, унинг юқорида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг суддаги айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳларнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари билан, тадбир ўтказиш, ҳолатни ҳужжатларштириш ҳамда ашёвий далилларни олиш баённомаси, экспертиза хулосаси, ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Суд, судланувчи Т.Н томонидан содир этилган жиноятнинг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жинойи ҳатти-харакатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Фоҳишахона очиш ва сақлаш деганда, хона танланиши, унинг молиялаштирилиши, таъминланиши ёки зарурий анжомлар билан жиҳозланиши, узоқ вақт давомида фаолият кўрсатиши учун маиший шарт-шароитлар яратилиши, ходимлар танланиши ва жойлаштирилиши, ташқи ҳимоя ва кўриқлаш таъминланиши, фоҳишахона жиҳозлари жалб қилиниши, унинг рекламаси ва ҳоказолар тушунилади.

Кўшмачилик қилиш ғаразли ёки бошқа паст ниятларни кўзлаб, манфаатдор шахсларга жинсий алоқа қилиш ёхуд жинсий эҳтиёжларини ғайритабиий усулда қондириш учун ёрдам кўрсатишдан иборат.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Т.Н ижара асосида ўзи яшаб келаётга хонадонда, кўшмачилик қилиб 800.000 сўм эвазига таниш қизлар билан фуқароларга ушбу хонадонда жинсий алоқа қилиш учун шароитиб яратиб берган.

Шунингдек, иш ҳужжатларида судланувчи Т.Н томонидан фоҳишахона сақлаш учун хона танлангани, молиялаштирилгани, таъминлангани ёки зарурий анжомлар билан жиҳозлангани, узоқ вақт давомида фаолият кўрсатиши учун маиший шарт-шароитлар яратилгани, ходимлар танлангани ва жойлаштирилгани, ташқи ҳимоя ва кўриқлаш



таъминлангани, фоҳишахона жиҳозлари жалб қилинганини исботловчи ҳолатлар мавжуд эмас.

Бундай ҳолатда Т.Нни фоҳишахона сақлаш жиноятини содир этган деб ҳисоблаб бўлмайди.

Шу сабабли суд, судланувчи Т.Ннинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисмидан шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи Т.Нга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, “ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида” ҳақида берилган раҳбарий тушунтиришдан келиб чиқиб, ЖКнинг 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилганлиги, ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги” белгиланганлиги боис, унга жазо тури ва миқдорини белгилашда у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, оилавий ва моддий шароитини, аёл киши эканлигини, бир нафар 3 ёшга тўлмаган фарзанди борлигини, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни, шунингдек содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларини инобатга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган, уни ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Жарима давлат даромадига ундирилиши, ҳукм қонуний кучга киргач унга қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилиниши, ашёвий далил



800.000 сўм пуллар ИИБ ходимига қайтарилганлиги инобатга олиниб, ДВД Диск иш ҳужжатларида сақланиши, 6 дона пакет йўқ қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 465-468, 471-474-моддаларига асосан, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Судланувчи Т.Ннинг жиноий хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисмидан шу Кодекс 131-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинсин.

Т.Н Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Судланувчи Т.Нга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари 8.500.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромадига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач унга қўлланилган эҳтиёт чора бекор қилинсин.

Ашёвий далил 800.000 сўм пуллар ИИБ ходимига қайтарилганлиги инобатга олиб, ДВД Диск иш ҳужжатларида сақлансин, 6 дона пакет йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддат ичида Андижон вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи, судья:

имзо

Э.Пирматов

Аслига тўғри _____

